



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

№ 17 (4572) // 2020-yil 22-may



Сирожиддин САЙИД, Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири



АДАБИЁТ ЮРАККА ЖОЙЛАНИШИ КЕРАК

Президентимиз 2020 йил 20 май куни Миллий бог ҳудудидаги янгидан таъмирланиб барпо этилган Адиллар хийбонига ташириф буюрди.

Янги боглар, янги иншоотлар янги давру замонларга ярашади. Давлатимиз раҳбарининг кутлуг қадами миллий адабиётимизга эътиборнинг юксак намунаси бўлди. Мухтарам Президентимиз шеърят мулкунинг султони Мир Алишер Навоий бобомиз даҳосига эҳтиром кўрсатиши, ул олиймаком зот тимсолида мухташам адабиётимиз намояндаларига қўйилган хайкалларнинг очилиш маросими айнан муборак рамазон ойи кадр кечаси арафасига тўғри келишида ҳам илоҳий, ҳам тарихий мазмун бор: миллодий 2020 йил 20 май... "20", "20", "20" сонлари сеҳри ва мўъжизавий хикматлар сўзлайди. Таъбир жоиз бўлса, Алишер Навоий хазратлари бош богдон бўлмиш адабиёт бўстони янги давру замонимизда табаррук пойкадам шарофати билан янги маком касб этгани, бу миллат, бу давлат, бу мамлакат ва бу адабиёт яна неча-неча икки мингу йиллар бардавом яшажага беихтиёр имон келтирасан. Яна бир буюк миллатдошимиз ал-Хоразмий кашф этган "0" рақами чексиз вақт, чексиз ҳисоб ва чексиз ҳаёт рамзидир. 2020 йил 20 май: демакким, бу такрор-такрор келган "20" рақамлари чексизлик ва абадиёт тимсолидир.

Ушбу кутлуг сана бизга соҳибкалом бобомизнинг:

Хар тунинг кадр ўлубон, хар кунинг ўлсун наврўз — дея келажак авлодларга тиланган кутлуг ниятлари билан умидларини англаверади.

Соҳибқирон Амир Темур Шаҳрисабзда бино этган мухташам Оқсаройнинг пештокига "Подшоҳларнинг сўзлари сўзларнинг подшоҳидир" деган хикматли ибора битилган. Давлатимиз раҳбари Адиллар хийбонига буюк бобомизнинг сўзлари пойида гани, аввало, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишдан, адабиётнинг ижтимоий ҳаётдаги, ва албатта, ёш авлод тарбиясидаги бекиёс ўрни ва аҳамиятидан бошлади. Адабиётни юракка жойлаш керак, деди Президент. Бу сўзларнинг замирида, улуг шоирларнинг асарларидаги дурдона фикрлар бугунги кунимизга ҳам, келажакимизга ҳам тааллуқли бўлаверади. Чунки улар ўзларининг асарларини узок-узок келажакни ўйлаб битганлар, узок-узок авлод-

лар такдирини қўлаб фикрлаганлар. Буюк адиблар, авваломбор, буюк китобхон бўлганлар. Бу залворли сўзлар замирида жаҳолатга қарши маърифат билан курашни керак, деган асрий мазмун мужассамдек.

Улуг бобомизнинг ҳаётлик пайти ўз қўллари билан тартиб берган, кирчиллама йилгитлик вақти, яъни 1486 йилда битилган "Балобийъ ул-бидоъ" девонининг "Девоча"сида:

Ким қилса иморатеки, макдур ўлгай, Чун исми китобасида мастур ўлгай. Не чоққач ул бинок маъмур ўлгай, Ул исм улус тилига макдур ўлгай —

дея лутф қилганларидай, Замон биносини бунёд этмок эса хар даврнинг ўз Бунёдқорига буюрилади.

Хондамирнинг "Мақорим ул-ахлоқ" ҳамда Навоийнинг "Вақфия" асарларида келтирилган тарихий маълумотлар Алишербек бобомизнинг бунёдқорлик фаолияти ҳақида хикоя қилади. Алишер Навоий ташаббуси билан жуда кўп бинолар қурилган, боглар барпо этилган, ховуз ва ариқлар қазилган.

Мир Алишер Навоий бунёдқорлик, ободлик ва саришталик ишларини доимо қўлаб-қувватлаган. Илм-фан ва ижод билан шуғулланган истеъдод эгаларига ҳомийлик қилган. Мухтожларни ўз хисобидан моддий таъминлаган.

Атиги бир неча йил аввал, Миллий богимизда, шундоқ ёнгинамиздаги Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمасининг кўркам ва мухташам янги биноси ҳам, унга туташ "Адиллар хийбони" ҳам деярли йўқ эди. Бу манзарани бутун мамлакат микёсида олиб қарайдиган бўлсак, ўтган бир-бир ярим йиллик қисқа муддат ичида дунёга келган ижод мактабларини адабиёт ва калам аҳлига Президентимиз томонидан кўрсатилаётган юксак ва амалий эътиборнинг қўлаб ва маҳобати бор бўй-басти билан намоен бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Эзгулик, соҳоват ва мурувват ойи бўлган муборак Рамазон ойи бу йил мамлакатимизда корона-вирус пандемияси туфайли уйда, оила даврасида, ўзаро аҳиллик ва ҳамжихатлик муҳитида муносиб ўтказилмоқда. Эл-юртимиз турли синнов ва қийинчиликлардан янада кучли ва қудратли бўлиб ўтган ҳолда, муқаддас Рамазон ҳайитини эртанги кунга қатта нишонч ва хурсандчилик билан кўриб олмақда.

Ушбу улуг айёмнинг халқимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни, унинг жамиятимизда саҳийлик, шукроналик, меҳр-оқибат каби фазилатларни қарор топтиришдаги аҳамиятини инобатга олиб ҳамда миллий-диний кадрларнинг асраб-авайлаш ва улуглаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2020 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 24 май — якшанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, мамлакатимизда

2020 йил 24 май Рамазон ҳайити байрами сифатида нишонлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ҳайитининг карантин талабларига мувофиқ, халқимизнинг миллий ва диний аъёнларига мос равишда ўтиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боглик тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 май

Тошкент шаҳри, 2020 йил 21 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 май

Тошкент шаҳри, 2020 йил 21 май

Тошкент шаҳри, 2020 йил 21 май

Тошкент шаҳри, 2020 йил 21 май

Тошкент шаҳри, 2020 йил 21 май

Тошкент шаҳри, 2020 йил 21 май

Тошкент шаҳри, 2020 йил 21 май

Тошкент шаҳри, 2020 йил 21 май

Тошкент шаҳри, 2020 йил 21 май

Тошкент шаҳри, 2020 йил 21 май

Ахмед ТўРА олган суратлар.



Сўз мулкида, шеър мулкида султонлар — Жаҳонгирлар, оламгирлар, ҳоконлар. Салтанатда арбоблару аъёнлар, Эл бахтини омонликда қўргонлар, "Шифония", "Халосия" қургонлар.

Элга дилсўз, элга жонсўз бобомиз, Улус бирлан бир қону қўз бобомиз. Алишербек бобомиз, ўз бобомиз — Бор давлатин эл-улусга бурдирган, Хонақоҳлар, мадрасалар қурдирган.

Устод Мирхонд ё Хондамир айтсинлар, Қилинмағай тарих тахрир, айтсинлар. Эл ғамини емоқ надири, айтсинлар: Тарих чархин элга қараб юрдирган, "Ихлосия", "Низомия" қурдирган.

Яна қанча боғу роғу йўл-работ, Хийбонлар, кўча-кўйи ҳам маҳаллот. Мамакат гар обод бўлса, эл ҳам шод, Қанча зору ноҷорларни тўйдирган, Эл кўнглида иншоотлар қурдирган.

Бир баҳона, мен мезийни эсладим, Мир Алишер Навоийни эсладим. Бир бобомда шунча ранжу меҳнатлар, Элга меҳру вафойини эсладим. Жаҳонгирлар, оламгирлар, ҳоконлар, Сўз мулкида соҳибқирон султонлар.

Асрларнинг қафтига қафт қўйганлар, Хар бир ғишта қафт билан тафт қўйганлар, Шаҳарларни қафтида даст қўйганлар — Давру замон шиддатларини бурганлар, Янги давру янги замон қурганлар.

Оққан дарё оқсай, офат етмағай, Шул замонга бир талофат етмағай. Давлат бердинг, шавкат бердинг, Худойим, Шу давронга зиён-захмат етмағай. Айтберсам, Жайхундар етмағай, Шу элимга келган давлат кетмағай. То дунё бор — шаъну шавкат кетмағай.

2020.20.05

